

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

Қўл ёзма ҳуқуқида
УДК: 330.332.(322)+012.3

МАМАЮСУПОВА ДИЛОВАРХОН БЕГМАТОВНА

**ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ АСОСИДА ТУРИСТИК
САЛОҲИЯТНИ БОШҚАРИШ
(Фарғона вилояти мисолида)**

**08.00.13 – Менежмент
08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий
даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар: Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Эшов Мансур Пўлатович

Тошкент – 2022 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА ТУРИСТИК БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	13
§1.1. Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш назарий-услубий асослари ва объектив зарурати.....	13
§1.2. Давлат-хусусий шериклик туризмда тадбиркорликни барқарор ривожлантириш воситаси сифатида.....	24
§1.3. Давлат-хусусий шериклиги асосида туризм бизнесини бошқаришнинг асосий тамойиллари.....	33
I боб бўйича хулосалар.....	42
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИЗМ СИЁСАТИНИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ АСОСИДА ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ	45
§2.1. Давлат-хусусий шериклигини ривожлантиришнинг хорижий тажрибалари.....	45
§2.2. Туризм соҳаси ривожланишини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми.....	57
§2.3. Фаргона вилояти туристик салоҳиятини ривожлантириш истиқболлари	69
§2.4. Туризм фаолиятини ривожланишини бошқаришда ДХШнинг роли ва аҳамиятини баҳолаш.....	83
II боб бўйича хулосалар	93
III БОБ. МИНТАҚАДА ДХШ МЕХАНИЗМИ АСОСИДА ТУРИСТИК САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШНИ БОШҚАРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ	96
§3.1. Туристик кластерни ташкил қилишда ДХШнинг концептуал асослари	96
§3.2. Минтақаларда туризмни ривожлантиришни бошқаришда ДХШ механизмидан фойдаланишнинг концептуал моделини ишлаб чиқиш..	105
§3.3. Фаргона вилояти туристик салоҳиятини ривожлантиришни бошқаришнинг истиқбол кўрсаткичлари.....	120
III боб бўйича хулосалар	129
ХУЛОСА	131
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	134
ИЛОВАЛАР	155

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида иқтисодиётнинг жадал ва барқарор ўсишини таъминлашда туризм соҳасидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Халқаро миқёсдаги рақобат жараёнларининг кескинлашуви, пандемия ва глобал даражадаги беқарорлик соҳада жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. «2020 йилда халқаро туризм 72 фоизгача пасайиб, 2019 йилдагига қараганда дунё мамлакатларида 900 млн. сайёҳлар кам қабул қилган ёки 935 млрд. АҚШ доллари миқдорида туризм экспорти даромадлари пасайганини кузатиш мумкин. Бундай пасайиш Осиё-Тинч океани минтақасида 82 фоизни, Яқин Шарқда 73 фоизни ва Африкада 69 фоизни ташкил этган»¹. Туризм ривожланишини қўллаб-қувватлаш, туристик салоҳиятдан самарали фойдаланиш, соҳадаги муаммоларни ҳал этишда давлат-хусусий шериклиги механизмидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда янги туристик хизматларни йўлга қўйиш, туристик салоҳиятни оширишнинг инновацион механизмларини ишлаб чиқиш, туризм инфратузилмасини ривожлантиришда рақамли платформалардан фойдаланиш кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Туризм хизматлари кўрсатишнинг сифат даражасини ошириш, аҳоли ўртасида туризмни тарғиб қилишнинг инновацион усуллари қўллаш, туристик объектларга инвестицияларни рағбатлантириш, ҳудудлара ва тармоқларда туристик салоҳиятни оширишда давлат-хусусий шериклиги (ДХШ) механизмларидан самарали фойдаланиш йўналишларини белгилаш ва туристик кластерлар орқали миллий иқтисодиётда соҳани ривожлантириш устувор тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш мамлакат миллий рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодий салоҳиятни кенгайтириш ҳамда

¹ <http://www.finmarket.ru/database/news/5378250>

барқарор ўсиш суръатларини таъминлашнинг истикболли йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. «Яқин келажакда туризм соҳасини жадал ривожлантириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш орқали туризм соҳасини иқтисодийнинг етакчи стратегик секторига айлантириш»² устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Мамлакат минтақаларининг туризм салоҳиятини оширишда замонавий инновацион воситалардан саналган давлат-хусусий шериклиги механизмларидан самарали фойдаланиш, туризмни стратегик секторга айлантириш, ҳудудий туристик кластерни шакллантириш орқали туристик салоҳиятни ошириш ва туризм соҳасини бошқаришни такомиллаштириш, туризмни ривожлантиришнинг истикболли йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» ги фармонлари, 2019 йил 5 январдаги ПҚ-4095-сон «Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон «Иқтисодий тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июлдаги 433-сон «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ва соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони//lex.uz